
ИККИНЧИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қўқон шаҳрида бўлиб ўтаётган Иккинчи Ҳунармандчилик фестивали доирасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Қўқон шаҳрида ташкил этилган Фестиваль матбуот марказида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршидjon Аҳмедов, Республика “Ҳунарманд” уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев, “Ўзбекистон ҳунармандчилиги” китоби муаллифи, академик Акбар Ҳакимов, хорижий, республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Матбуот анжуманда қайд этилганидек, иккинчи Ҳунармандчилик фестивалида дунёнинг 70 та давлатидан 260 нафардан ортиқ моҳир ҳунарманд ва усталар, таникли фан, маданият ва санъат намояндалари, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, республикамиз худудларидан 700 нафардан зиёд ҳунармандлар иштирок этмоқда.

Фестивални 200 га яқин хорижий, республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритмоқда.

Фестиваль доирасида халқаро маҳаллий ҳунармандларнинг кўргазма-савдоси ўтказилмоқда. Икки кун давомида фестивалга ташриф буюрганлар сони кунлик 100 мингдан ошди. 2 кун давомида ҳунармандлар томонидан қарийб 7 млрд. сўмлик ҳунармандчилик маҳсулотлари сотилди. Савдо бугун ҳам давом этмоқда.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар, хорижий ОАВ вакиллари ўз таассуротларини ҳам баён этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-23 15:20:05